

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА “ТАРИХ ВА ХУҚУҚ ФАН ОЙЛИГИ”НИ ЎТКАЗИШДАГИ САМАРАДОР ТАДБИРЛАР ВА ВОСИТАЛАР

Абдуллаева Дилрабохон Зумратбековна,

Андижон вилояти Олтинкўл тумани 12-умумтаълим мактаби
тарих фанлари ўқитувчиси, АДУ мустақил илмий тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада умумтаълим мактабларида тарих фанлари ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш ўзига хос жиҳатлари, амалий тажриба натижаларидан келиб чиқиб, ойлик доирасидаги самарадор тадбирлар ва воситалар ёритилган.

Калит сўзлар: умумтаълим, мактаб, тарих фанлари ойлиги, тадбирлар.

Умумтаълим мактабларида ўқув фанлари бўйича фан ойликларини ўтказиш орқали муайян фанлар бўйича таълим-тарбия ишларини ривожлантириш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва педагогик технологиялари методикаси тадбирларини такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларнинг фанларга қизиқиш ва интилишларини оширишда муҳим аҳамият касб этади[6]. Шунга кўра, умумтаълим мактабларида бошқа фанлар қатори ҳар йили анъанавий тарзда “Тарих ва ҳуқуқ фан ойлиги” ўтказилиши белгиланган ва жорий этилган[2]. Мазкур ойликнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ўқувчилар қалби, онги ва тафаккурида шаклланиши лозим бўлган муҳим омиллар назарда тутилган ҳолда бир қатор таълим-тарбия вазифаларини ўз ичига олади[1], жумладан:

юрт озодлиги ва оила ободлиги, турмуш фаровонлиги, тинч ва эркин ҳаётга эришиш, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаши учун мамлакатимизда барча имкониятлар, зарурий шарт-шароитларнинг мавжудлигини англаш;

мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмаганлиги, у тинимсиз курашлар, уйқусиз тунлар ва жуда катта фидоийликнинг маҳсули эканлигини тушуниш ва уни кадрлаш;

Асосий Қонунимиз бўлган – Конституциямизнинг туб мазмун-моҳияти ва қолаверса, ҳуқуқий давлат инсон шахсини энг олий қадрият сифатида эътироф этишга ва тўла-тўқис қабул қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизим бўлиб хизмат қилиши каби тушунча ва тамойилларни ўзлаштириб олишлари ва шу асосда маънавий-маърифий, ижтимоий ва ҳуқуқий саводхонликларини ошириш;

ўқувчи-ёшларнинг жамиятда, ён-атрофда, маданий ва маънавий соҳада бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, янгиликлардан хабардор бўлиш ва муносабат билдира олишга йўналтириш;

ўқувчиларнинг ҳуқуқий савиясини яхшилаш, шунингдек, фуқаролик позициясини шакллантириш;

тарих фани орқали муштарак маданиятларни, халқимизнинг минг йилликларга бориб тақаладиган маданияти ва қадриятларини билиш ва уларга муносиб бўлишга ўргатиш; фан, маданият, маърифат борасида қанчадан-қанча авлодлардан-авлодларга етиб келаётган бой илмий мерос яратган ота-боболаримиз яшаган даврини билиб олишлари; ватанимиз тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми эканини англатиш;

инсон ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиб, фуқаролик жамиятининг эркин аъзоси сифатида жамиятда фаол иштирок этиш зарурлигини ҳис этиши каби туйғулар ва тушунчаларни шакллантириш вазифаларидан иборат.

Фан ойлигини ташкил этишда фан ойлигини ташкил этиш юзасидан намунавий режа тайёрлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ўн кунлик тадбирларни белгилаш, режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, тарих, ўлкашунослик музейларига, тарихий қадамжоларга саёҳатлар уюштириш, китобхонлик, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш, юқори синфлар ўртасида рефератлар ва иншолар танловини ташкил қилиш ҳамда ойлик якунида фан ойлигининг маданий тадбирини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади[1,3].

Фан ойлигининг очилиши, яъни бошланишида тарих ва ҳуқуқ фанларининг синфлар кесимида ўқувчиларнинг билим самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилий мониторинги жадвали тайёрланади. Ойлик иш режа акс этган деворий газета чиқарилади, умумий йиғилишлар ўтказилади. Бунда ой давомида белгиланган тадбирларни ўтказиш жойлари ва вақти маълум қилинади[4].

Фан ўқитувчиларининг очик дарсларини ўтказиш орқали ўқитувчилар дарсларида интерфаол усуллардан, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланишларини ривожлантиришга эришилади. Тарих ва ҳуқуқ дарсларида ойнинг шу кунларида ўтиладиган мавзулар асосида очик дарслар ташкил қилиниши самарали хисобланади. Хусусан:

Тарих фани бўйича: 5-синфларда “Мактаб илм ўчоғи”, 6-синфларда “Юнон-форс урушлари”, 7-синфларда “IX-X асрларда ер-мулк муносабатлари. Сомонийлар сулоласининг инқироzi. Ғазнавийлар давлати”, 8-синфларда “Маънавий-маърифий, маданий ҳаёт”, 9-синфларда “Туркистонда миллий озодлик ҳаракатларининг бошланиши ва унинг сабаблари”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани бўйича: 8-синфда “Ҳуқуқ муҳофаза қилувчи органлар”,

9-синфда “Оила ва жамият” мавзусидаги очик дарслар ўтказилади. Очик дарсларда энг яхши деб топилган дарсларнинг ишланмаларидан йиғма жилдлар тайёрланиб, мазкур йиғма жилдлар келгусида фойдаланилади. Мазкур йиғма жилдлар ёш ўқитувчилар ва талабалар фойдаланишлари учун хизмат қилади. ушбу жилдлар методик марказларда ёки метод кабинетларда сақланади. Бундай йиғма жилдлардан намунавий дарс

ишланмалари банкини яратиш ва оммалаш-тириш илғор тажриба ва маҳоратларни ўрганишга асос бўлади[1].

Фан ойлигини яқунлашдаги маъданий ва маърифий тадбирларда синфлар иқтеъдорли ўқувчиларининг турли сахна кўринишлари, бадиий чиқишлари ёки ўзаро билимларини синаш мусобақа танловлари катта қизиқиш ва таъсурот-ларни ҳосил қилиб, фанга нисбатан фаоликти оширади. Ташкил этиладиган танловлар шартлари бўйича деворий газета ёки буклет тайёрлаш, унда миллатнинг ривожланиш тарихи, маданияти, урф-одатлари ва турмуш тарзини ижодий ёритиш, сахна чиқишлари (фольклор) орқали намойиш этиш тадбирлари таъсирчан ва самарадор бўлади. Чунки, масъулият билан юқори савияда ташкил этилган фан ойлиги ўз якунида натижаларини ижобий кўрсатади. Фан ойлиги давомидаги ва унинг якунидаги тадбирлар оммавий ахборот воситаларида, мактаб интернет саҳифаларида ёриштилади[4].

Юқори даражада ўтказилган фан ойлиги натижалари вилоят, туман (шаҳар) методистлари томонидан тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган методик тавсиялар, тадбир сценарийлари, дарс ишланмалари, тест ва назорат ишлари тўпламлари тайёрланишида тажрибавий ва амалий манбаа бўлади. Мазкур ойлик давомида тарих ва ҳуқуқ фани билан биргаликда “Дунё динлари тарихи” фанига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлиб, бунда ўқувчилар орасида “оммавий маданият”, “одам савдоси”, диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олишга, диний бағрикенглик ғояларига қаратилган тадбирларни ташкил қилиш зарур ҳамда таълим тизимига, хусусан фан соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиб, уларни педагогик фаолиятида қўллашга эътибор қаратиш лозим[5].

Умумтаълим мактабларида “Тарих ва ҳуқуқ фан ойлиги”ни талаб даражасида ташкил этиш ҳамда уни тасдиқланган режа ва дастурлар асосида тўлақонли ўтказиш мактаб педагогик жамоасининг жипислиги, уюшқоқлиги ва ўзаро тажрибаларини алмашишда муҳим омил ҳисобланади[6].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тарих фан ойлигини ўтказиш бўйича тавсиялар, «Умид» мактаб-интернати, www.idum.uz - ўқитувчилар учун хужжатлар, дарс ишланмалар, тестлар, тарқатма материаллар.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги “Фан ойликларини ўтказиш тўғрисида”ги 183-сонли буйруғи.
3. “Тарих” ва “Ҳуқуқ” фанлари бўйича фан ойлигини ўтказиш юзасидан методик тавсия, НавДПИ.
4. Андижон вилояти Халқ таълими бошқармасининг “Тарих фанларини ўқитиш бўйича мажмуавий режаси”, Андижон, 2021 йил.

5. Андижон вилояти Олтинкўл тумани Халқ таълими бўлимининг
“2021-2022 ўқув йиллари учун методик тавсияномаси”, Андижон, 2021 йил.
6. Д.Абдуллаева, “Тарих” ва “Ҳуқуқ” фанлари бўйича фан ойлигини ўтказиш дастури,
Андижон вилояти Олтинкўл тумани 12-умтаълим мактаби.

